



O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTINING QARORI

2022 yil « 1 » апрель

№ ПК–188

Самарқанд давлат тиббиёт университетини ташкил этиш ва соҳада кадрлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги ПФ–5847-сон Фармони билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясида белгиланган стратегик вазифаларга мувофиқ Самарқанд давлат тиббиёт институтида юқори малакали кадрлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш, унинг институционал, ўқув-педагогик салоҳиятини кучайтириш, ўқув жараёнини халқаро стандартларга мос равишда ташкил этиш, аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, реабилитология ва спорт тиббиёти соҳасида долзарб муаммолар бўйича илмий тадқиқотларни тизимли олиб бориш, шунингдек, ҳудуд аҳолисига тиббий ёрдам кўрсатиш сифатини янада ошириш мақсадида:

1. Самарқанд давлат тиббиёт институтининг кузатув кенгаши, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг қўйидаги таклифларига розилик берилсин:

а) Самарқанд давлат тиббиёт институтини Самарқанд давлат тиббиёт университети (кейинги ўринларда – Университет) этиб қайта ташкил этиш;

б) Университет таркибида қўйидагиларни ташкил этиш:

Самарқанд вилояти, Самарқанд тумани, Ўрташиқ қишлоғида жойлашган Самарқанд вилояти саломатликни тиклаш шифохонаси негизида Самарқанд давлат тиббиёт университети ҳузуридаги Реабилитология ва спорт тиббиёти илмий-тадқиқот институтини;

Самарқанд давлат тиббиёт институтининг биринчи ва иккинчи клиникалари негизида **Самарқанд давлат тиббиёт университетининг кўп тармоқли клиникаси** ва **Самарқанд давлат тиббиёт университети ихтисослашган болалар хирургик клиникасини** (кейинги ўринларда – Университет клиникалари);

Республика ихтисослаштирилган эпидемиология, микробиология, юқумли ва паразитар касалликлар илмий-амалий тиббиёт марказининг Л.М.Исаев номидаги филиали ва унинг клиникаси негизида Университет ҳузуридаги Л.М. Исаев номидаги **Микробиология, вирусология, юқумли ва паразитар касалликлар илмий-тадқиқот институти** ва унинг клиникасини;

Самарқанд давлат тиббиёт университети ҳузуридаги **Нейрохирургия ва нейрореабилитация ихтисослаштирилган илмий-амалий марказини;**

Самарқанд давлат тиббиёт университети ҳузуридаги **Иммунология, аллергология ва инсон геномикаси илмий марказини.**

2. Университетнинг асосий вазифалари ва фаолият йўналишлари
этиб қўйидагилар белгилансин:

узлуксиз тиббий-касбий таълим тизимида юқори малакали тиббиёт кадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш;

ўқув жараёнини амалий кўникмаларни шакллантиришга йўналтириш, халқаро таълим стандартларига асосланган илғор педагогик технологиялар, ўқув дастурлари ва инновацион ўқув-методик материалларни кенг жорий этиш, клиника ва ўқув базалари фаолиятида назарий билим ҳамда амалиётнинг уйғунлигини таъминлаш учун зарур шароитлар яратиш;

фундаментал, амалий ва инновацион илмий-тадқиқот ишларини тиббиёт амалиётидаги мавжуд муаммоларнинг ечимига қаратиш, тиббий таълим, фан, инновация ва илмий тадқиқотлар натижаларининг узвий боғлиқлигини таъминлаш;

хорижий тиббиёт олий таълим муассасалари билан ҳамкорлик доирасида талабалар, профессор-ўқитувчилар ва илмий изланувчилар академик мобиллиги дастурлари ҳамда қўшма таълим дастурларини жорий этиш ва ривожлантириш;

Университет илмий салоҳиятини мунтазам равишда ошириб бориш, профессор-ўқитувчилар ва илмий изланувчиларнинг нуфузли халқаро илмий журналларда мақолалар чоп этишларини таъминлаш;

республика ва хорижий олий таълим ҳамда илмий-тадқиқот муассасалари ва кадрлар буюртмачилари билан ҳамкорликда тиббиёт соҳасидаги долзарб масалаларни муҳокама қилиш бўйича халқаро илмий-амалий конференциялар, семинарлар ва симпозиумлар ташкил этиш;

Университет моддий-техника базасини модернизация қилиш ва мустаҳкамлаш, симуляцион марказ, ўқув ва илмий-тадқиқот лабораторияларини ташкил этиш ҳамда замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш;

Самарқанд вилояти ҳамда қўшни ҳудудлар соғлиқни сақлаш тизими эҳтиёжларини ва муаммоларини мунтазам ўрганиб бориш, уларни ваколати доирасида бартараф этиш мақсадида соғлиқни сақлаш тизими ҳамда нодавлат нотижорат ташкилотлари ўртасида узвий ҳамкорликдаги фаолиятни йўлга қўйиш.

3. Белгилансинки:

а) Университет Самарқанд давлат тиббиёт институтининг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва шартномалари, шу жумладан, халқаро шартномалари бўйича **ҳуқуқий вориси ҳисобланади**;

б) Самарқанд давлат тиббиёт институтида таҳсил олаётган талабалар Университетда мос бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларида **ўқишини давом эттиради** ҳамда битирувчи курс талабаларига белгиланган тартибда давлат намунасидаги **Университет дипломи берилади**;

в) Университет клиникалари, академик лицейи, Л.М. Исаев номидаги Микробиология, вирусология, юқумли ва паразитар касалликлар илмий-тадқиқот институти, Нейрохирургия ва нейрореабилитация ихтисослаштирилган илмий-амалий маркази, Иммунология, аллергология ва инсон геномикаси илмий маркази ҳамда Реабилитология ва спорт тиббиёти илмий-тадқиқот институтининг (кейинги ўринларда – Университет таркибий тузилмалари) **муассиси Университет ҳисобланади ва уларнинг фаолияти Университет томонидан мувофиқлаштирилади**;

г) Университет таркибий тузилмалари **давлат муассасалари** ҳисобланади ва шахсий ғазна ҳисобварақларига эга бўлади;

д) Университетнинг **таркибий тузилмалари раҳбарлари** Университет Кенгашининг тақдимномасига кўра **соғлиқни сақлаш вазири** томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод этилади;

е) Самарқанд вилояти Абу Али ибн Сино номидаги Жамоат саломатлиги **техникумлари** ва тиббиёт **коллежлари** (кейинги ўринларда – техникумлар ва коллежлар) Университетга бириктирилади.

Бунда, Университет:

техникумлар ва коллежлардаги **таълим ва амалиёт сифати учун бевосита масъул бўлиб**, уларда зарур моддий-техника, ўқув-методик базани яратади ва ўқув жараёнига тажрибали мутахассисларни жалб этиб боради;

техникумлар ва коллежларда фаолият юритувчи ўқитувчиларга **илмий-методик жиҳатдан кўмаклашади**;

клиникалари техникумлар ва коллежлар учун **клиник база бўлиб** хизмат қилади;

кафедралари ўз йўналишида техникумлар ва коллежларга замонавий ўқитиш методикаси ва технологияларини ўргатади, **ўқитувчилар ва ўқувчиларнинг билимини баҳолаб боради**.

4. Қуйидагилар:

2022–2025 йилларда Самарқанд давлат тиббиёт университетини комплекс ривожлантириш дастури 1-иловага мувофиқ;

Самарқанд давлат тиббиёт университетини ривожлантиришнинг мақсадли кўрсаткичлари (индикаторлари) 2-иловага мувофиқ;

Самарқанд давлат тиббиёт университети кафедраларини Самарқанд вилояти туман (шаҳар)ларига бириктириш рўйхати 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

5. Университетга қуйидаги ҳуқуқлар берилсин:

Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан келишилган ҳолда, академик лицейнинг ўқув-методик жараёнини мувофиқлаштириш, унинг **тузилмасини, ўқув режалари ва дастурларини** ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш, **қабул параметрлари ва таълим йўналишларини** белгилаш;

Университетда бакалавриятнинг битирувчи босқич талабалари учун соғлиқни сақлаш тизими бирламчи бўғин муассасалари (кўп тармоқли марказий поликлиникалар, оилавий поликлиникалар, оилавий шифокор пунктлари) ҳамда клиник базаларда **6 ойлик малакавий амалиёт кўринишидаги субординатурани жорий этиш**;

Университетнинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан Университет профессор-ўқитувчиларининг халқаро илмий-техник маълумотлар базалари (Scopus, Web of Science ва бошқалар) томонидан эътироф этилган юқори рейтингли журналларда **илмий мақолалар чоп этиш сарф-харажатларини қоплаш**.

Белгилансинки, мазкур бандда назарда тутилган тадбирларни амалга ошириш билан боғлиқ қўшимча харажатлар **Университетнинг бюджетдан ташқари маблағлари** ҳисобидан қопланади.

6. Университет клиникаларига қуйидаги ҳуқуқлар берилсин:

Университет ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан келишилган ҳолда клиникаларнинг умумий ўринлар сони ҳамда амалдаги штат бирликлари доирасида **штатлар жадвалини** қайта кўриб чиқиш ва тасдиқлаш;

пуллик хизматлар кўрсатиш бўлинмаларини ташкил этиш;

пуллик малака ошириш циклари ва замонавий технологияларни ўзлаштириш бўйича **маҳорат дарсларини** ташкил этиш;

тиббий хизматларни кўрсатишдан тушган даромадлар доирасида ходимларнинг **меҳнатига ҳақ тўлаш** ва **моддий рағбатлантириш** миқдорларини бажариладиган ишларнинг мураккаблик даражаси, сифати ва ҳажмига қараб мустақил равишда белгилаш.

7. Белгилаб қўйилсинки:

Университетнинг ихтисослашган болалар хирургик клиникаси 2023 йил 1 январдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 28 июлдаги “Соғлиқни сақлаш соҳасида ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–5199-сон қарорида белгиланган республика ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказларининг фаолиятини юритиш **тартиби** ва **молиялаштириш механизми** асосида фаолият юритади;

Республика шошилиш тиббий ёрдам илмий маркази Самарқанд вилояти филиали янги бинога кўчирилиши муносабати билан ушбу филиалнинг бўшайдиган Самарқанд шаҳар, Маҳдуми Аъзам кўчаси, 18-уй манзилида жойлашган биноси **Университетга оператив бошқарув ҳуқуқи асосида бепул берилади** ҳамда мазкур бинода **Нейрохирургия ва нейрореабилитация ихтисослаштирилган илмий-амалий маркази**, шунингдек, **Иммунология, аллергология ва инсон геномикаси илмий маркази** текин фойдаланиш ҳуқуқи асосида жойлаштирилади.

8. Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Б.А. Мусаев) Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги (А.М. Бобоев), Молия вазирлиги (А.Я. Хайдаров) ҳамда Самарқанд вилояти ҳокимлиги (Э.О. Турдимов) билан биргаликда 2024–2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастурида:

Нейрохирургия ва нейрореабилитация ихтисослаштирилган илмий-амалий маркази ҳамда Иммунология, аллергология ва инсон геномикаси илмий маркази жойлаштирилаётган Самарқанд шаҳри, Махдуми Аъзам кўчаси, 18-уй манзилидаги бинони капитал таъмирлаш ва жиҳозлаш учун;

Университетнинг ихтисослашган болалар хирургик клиникаси ҳудудида ихтисослаштирилган эндоскопик консултив-диагностик ва даволаш бўлимини ташкил этиш, тегишли бино ва иншоотларни қуриш ҳамда замонавий эндоскопик диагностика ва даволаш ускуналари билан жиҳозлаш учун зарур маблағларни назарда тутсин.

9. Қуйидагилар:

а) Университет фаолиятини молиялаштириш манбалари этиб белгилансин:

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари;

Университетнинг бюджетдан ташқари маблағлари;

қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар;

б) Университет клиникалари фаолиятини молиялаштириш манбалари этиб белгилансин:

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари;

Университет клиникаларининг бюджетдан ташқари маблағлари;

қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар;

в) Реабилитология ва спорт тиббиёти илмий-тадқиқот институти, Л.М. Исаев номидаги Микробиология, вирусология, юқумли ва паразитар касалликлар илмий-тадқиқот институти фаолиятини молиялаштириш манбалари этиб белгилансин:

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари;

мазкур институтларнинг бюджетдан ташқари маблағлари;

қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар;

г) Нейрохирургия ва нейрореабилитация ихтисослаштирилган илмий-амалий маркази ҳамда Иммунология, аллергология ва инсон геномикаси илмий маркази фаолиятини молиялаштириш манбалари этиб белгилансин:

мазкур ташкилотларнинг бюджетдан ташқари маблағлари;

қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар.

10. Соғлиқни сақлаш вазирлиги (А.Ш. Иноят), Самарқанд вилояти ҳокимлиги (Э.О. Турдимов) Университет ҳамда Университет таркибий тузилмаларининг профессор-ўқитувчилари ва ходимлари иштирокида **ҳудуд аҳолисининг** саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом турмуш тарзини юритиш бўйича **бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасаларида** (оилавий шифокор пункти, оилавий поликлиника, кўп тармоқли марказий поликлиника) ҳамда барча **қишлоқ ва маҳаллаларда жойига чиққан ҳолда хизмат кўрсатилишини таъминласин.** Бунда, қуйидагиларга эътибор қаратсин:

аҳолининг саломатлик ҳолатини, касалликларни келтириб чиқарувчи хавф омилларининг тарқалганлик даражасини ўрганган ҳолда аҳолини хавф гуруҳларига таснифлаш;

хавф гуруҳларига кўра уларга индивидуал маслаҳат бериш, кўрик ва назоратни амалга ошириш, соғломлаштириш ва реабилитациянинг индивидуал чораларини белгилаш;

аҳоли орасида энг кўп тарқалган ва ўлимнинг асосий сабабчиси бўлган касалликларни эрта аниқлаш чораларини кўриш, мақсадли скрининг тадбирларини амалга ошириш;

аҳолининг саломатлик ҳолати, касалликни келтириб чиқарувчи хавф омилларининг тарқалганлик ҳолати ва касалланиш даражасидан келиб чиқиб, махсус электрон дастур асосида **“Саломатлик профили”**ни яратиш;

қишлоқ ва маҳаллаларда **“Саломатлик мактаби”** фаолиятини йўлга қўйиш, нафақадаги ўқитувчи ва тиббиёт ходимлари, зиёлилар ҳамда ёшлардан иборат волонтерлик жамиятларини тузиш;

кўп тармоқли марказий поликлиникада **“Тўғри овқатланиш ва соғлом турмуш тарзи”** хоналарини ташкил қилиш, махсус тайёргарликдан ўтган шифокор ва ҳамширалар томонидан аҳоли орасида тарғибот тадбирларини амалга ошириш, шунингдек индивидуал маслаҳат бериш тизимини жорий қилиш;

барча бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасаларида шифокор олди кўриклари орқали ўрта тиббиёт ходимлари томонидан энг кўп учрайдиган касалликларни келтириб чиқарувчи хавф омилларини аниқлаш, аҳолини антропометрик ўлчовлардан ўтказиш, 5 ёшгача болаларнинг ўсиши ва ривожланиши мониторингини олиб бориш каби вазифаларнинг мустақил бажарилишини таъминлаш;

юқумли бўлмаган касалликлар профилактикаси, соғлом турмуш тарзи асослари бўйича тиббиёт бригадаси вакилларининг амалий ва назарий билимларини ошириш;

аҳоли орасида тўғри овқатланиш асослари, касалликлар профилактикаси, жисмоний фаоллик, шахсий ва жамоат гигиенаси, кун тартибини тўғри ташкиллаштириш ва зарарли одатлардан воз кечиш бўйича тарғиботнинг замонавий услубларини (акция, спорт мусобақалари, танлов, флешмоб) амалиётга жорий қилиш ва оммалаштириш чораларини кўриш.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги (А.Ш. Иноятов) **2022 йил 1 декабрга** қадар Самарқанд вилояти тажрибасининг натижаларидан келиб чиқиб, уни бошқа **тиббиёт олий таълим муассасаларида ҳам татбиқ қилиш бўйича таклиф киритсин.**

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига 4-иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

12. Соғлиқни сақлаш вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

13. Ушбу қарор ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари Л.Н. Тўйчиев, Самарқанд вилояти ҳокими Э.О. Турдимов, соғлиқни сақлаш вазири Б.А. Мусаев ҳамда олий ва ўрта махсус таълим вазири А.Х. Тошқулов белгилансин.

Қарор ижросини назорат қилиш, ижро учун масъул ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси А.А. Абдувахитов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**



Ш.Мирзиёев

Тошкент шаҳри

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2022 йил 1 апрелдаги ПҚ–188-сон қарорига
1-илова

**2022–2025 йилларда Самарқанд давлат тиббиёт университетини
комплекс ривожлантириш дастури**

T/p	Чора-тадбирлар	Амалга ошириш механизми	Бажариш муддати	Молиялаштириш манбалари	Масъул ижрочилар
I. Юқори малакали кадрлар тайёрлаш тизимини сифат жиҳатидан тубдан такомиллаштириш, ҳудуд аҳолиси саломатлигини мустаҳкамлаш					
1.	Самарқанд давлат тиббиёт университетида (кейинги ўринларда – Университет) таълим жараёнини халқаро олий таълим стандартларига мувофиқлаштириш.	1. Таълим жараёнининг кредит-модуль тизимида олиб борилишини тўлиқ таъминлаш. 2. Ўқув режалари ва фан дастурларини амалий кўникмаларни шакллантириш ва илғор хорижий тажрибаларни имплементация қилиш асосида қайта кўриб чиқиш.	2022 йилдан бошлаб 2022 йил 1 октябрь	–	Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Университет
2.	Университет ҳузуридаги Реабилитология ва спорт тиббиёти илмий-тадқиқот институтида (кейинги ўринларда – Илмий-тадқиқот институти) таълим жараёнини ташкил этиш.	1. Илмий-тадқиқот институти базасида Университетнинг Тиббий реабилитация ва спорт тиббиёти ҳамда Травматология ва ортопедия кафедралари фаолиятини ташкил этиш. 2. Университетда ташкил этилаётган “Клиник психология” ҳамда “Биоинженерия ва тиббий технологиялар” таълим йўналишларининг Илмий-тадқиқот институти фаолияти билан интеграциясини таъминлаш.	2022/2023 ўқув йили	Университетнинг бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлари	Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Университет
3.	Университет ва унинг таркибий тузилмалари профессор-ўқитувчилари ва илмий тадқиқотчилари учун масофавий таълим, ўқув курслари, малака ошириш ва семинарлар кўламини кенгайтириш.	Профессор-ўқитувчилар ва илмий тадқиқотчилар учун ахборот-коммуникация технологиялари ва инглиз тилини ўқитиш бўйича ўқув курслари ташкил этиш, ахборот-коммуникация технологияларини юқори даражада ўзлаштирган профессор-ўқитувчилар улушини 90 фоизга етказиш.	2022/2023 ўқув йили	Университетнинг бюджетдан ташқари маблағлари	Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Университет

Т/р	Чора-тадбирлар	Амалга ошириш механизми	Бажариш мuddати	Молиялаштириш манбалари	Масъул ижрочилар
4.	Таълим сифатини таъминлашда ахборот-коммуникация технологиялари имкониятларидан кенг фойдаланиш.	1. Масофавий таълим технологияларини жорий қилиш орқали етакчи хорижий таълим муассасалари билан онлайн вебинарлар ва семинарлар ўтказиш имкониятини яратиш. 2. Кафедраларнинг ахборот-коммуникация технологиялари билан таъминланганлик даражасини яхшилаш. 3. Барча ўқув биолари ҳамда талабалар турар жойларида интернетдан унумли фойдаланиш имкониятларини яратиш. 4. Республикадаги тиббиёт олий таълим муассасалари ва бошқа хорижий тиббиёт олий таълим муассасалари томонидан Университетда масофавий таълим орқали дарс машғулотларини ўтказиш, шунингдек, Университет клиникаларида телемедицина имкониятларидан фойдаланиш учун маълумотлар узатиш тармоғига улаш чораларини кўриш.	2022/2023 ўқув йили	Университетнинг бюджетдан ташқари маблағлари	Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Университет, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги
5.	Профессор-ўқитувчилар, ёш тадқиқотчилар, талабалар учун халқаро таълим ресурсларидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш.	Профессор-ўқитувчилар, ёш тадқиқотчилар ҳамда талабаларнинг Springer, Elsevier, ProQuest, EBSCO, Web of Science каби илмий нашриётлар маълумотлар базаларидан фойдаланиш имкониятларини яратиш.	2022 йил 1 сентябрь	Университетнинг бюджетдан ташқари маблағлари	Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Университет
6.	Университет клиникасида телемедицина технологияларини жорий қилиш.	1. Университетнинг кўп тармоқли клиникаси, ихтисослашган болалар хирургик клиникаси ва Приволжск тадқиқот тиббиёт университети клиникалари ўртасида ўзаро телемедицина йўли билан алоқаларни йўлга қўйиш. 2. Маҳаллий ва хорижий тиббиёт олий таълим муассасалари томонидан уларнинг	2023 йил 1 январь 2022–2025 йиллар	Университетнинг бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлари	Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги

Т/р	Чора-тадбирлар	Амалга ошириш механизми	Бажариш мuddати	Молиялаштириш манбалари	Масъул ижрочилар
		юқори малакали профессор-ўқитувчиларини жалб қилган ҳолда Университетда масофавий таълим орқали дарс машғулотларини ўтказиш, шунингдек, беморларнинг масофавий тиббий кўриклари ҳамда консилиумларни ташкил қилиш.			
7.	Ҳудуд аҳолиси саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом турмуш тарзи юритишни кенг тарғиб этиш.	1. Университет кафедралари ҳамда Университет таркибий тузилмаларининг профессор-ўқитувчилари ва ходимларини Самарқанд вилояти туман (шаҳар)ларига бириктириш. 2. Университет кафедралари ҳамда Университет таркибий тузилмаларининг профессор-ўқитувчилари ва ходимлари иштирокида ҳудуд аҳолисининг саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом турмуш тарзини юритиш бўйича бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасаларида (оилавий шифокор пункти, оилавий поликлиника, кўп тармоқли марказий поликлиника) ҳамда барча қишлоқ ва маҳаллаларда жойига чиққан ҳолда хизмат кўрсатилишини таъминлаш. Бунда, қуйидагиларга эътибор қаратиш: аҳолининг саломатлик ҳолатини, касалликларни келтириб чиқарувчи хавф омилларининг тарқалганлик даражасини ўрганган ҳолда аҳолини хавф гуруҳларига таснифлаш; хавф гуруҳларига кўра уларга индивидуал маслаҳат бериш, кўрик ва назоратни амалга ошириш, соғломлаштириш ва реабилитациянинг индивидуал чораларини белгилаш;	2022 йил 1 май 2022 йил якунига қадар	— Университетнинг бюджетдан ташқари маблағлари	Университет Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Самарқанд вилояти ҳокимлиги, Университет

Т/р	Чора-тадбирлар	Амалга ошириш механизми	Бажариш мuddати	Молиялаштириш манбалари	Масъул ижрочилар
		аҳоли орасида энг кўп тарқалган ва ўлимнинг асосий сабабчиси бўлган касалликларни эрта аниқлаш чораларини кўриш, мақсадли скрининг тадбирларини амалга ошириш; аҳолининг саломатлик ҳолати, касалликни келтириб чиқарувчи хавф омилларининг тарқалганлик ҳолати ва касалланиш даражасидан келиб чиқиб, махсус электрон дастур асосида “Саломатлик профили”ни яратиш; қишлоқ ва маҳаллаларда “Саломатлик мактаби” фаолиятини йўлга қўйиш, нафақадаги ўқитувчи ва тиббиёт ходимлари, зиёлилар ҳамда ёшлардан иборат волонтерлик жамиятларини тузиш; кўп тармоқли марказий поликлиникада “Тўғри овқатланиш ва соғлом турмуш тарзи хоналари”ни ташкил қилиш, махсус тайёргарликдан ўтган шифокор ва ҳамширалар томонидан аҳоли орасида тарғибот тадбирларини амалга ошириш, шунингдек индивидуал маслаҳат бериш тизимини жорий қилиш; барча бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасаларида шифокор олди кўриклари орқали ўрта тиббиёт ходимлари томонидан энг кўп учрайдиган касалликларни келтириб чиқарувчи хавф омилларини аниқлаш, аҳолини антропометрик ўлчовлардан ўтказиш, 5 ёшгача болаларнинг ўсиши ва ривожланиши мониторингини олиб бориш каби вазифаларнинг мустақил бажарилишини таъминлаш;			

Т/р	Чора-тадбирлар	Амалга ошириш механизми	Бажариш мuddати	Молиялаштириш манбалари	Масъул ижрочилар
		юқумли бўлмаган касалликлар профилактикаси, соғлом турмуш тарзи асослари бўйича тиббиёт бригадаси вакилларининг амалий ва назарий билимларини ошириш; аҳоли орасида тўғри овқатланиш асослари, касалликлар профилактикаси, жисмоний фаоллик, шахсий ва жамоат гигиенаси, кун тартибини тўғри ташкиллаштириш ва зарарли одатлардан воз кечиш бўйича тарғиботнинг замонавий усуллари (акция, спорт мусобақалари, танлов, флешмоб) амалиётга жорий қилиш ва оммалаштириш чораларини кўриш. 3. Самарқанд вилояти тажрибасининг натижаларидан келиб чиқиб, уни бошқа тиббиёт олий таълим муассасаларига ҳам татбиқ қилиш бўйича таклиф киритиш.	2022 йил 1 декабрь	—	Соғлиқни сақлаш вазирлиги
II. Илмий-тадқиқот ишлари самарадорлигини ошириш					
8.	Нейрохирургия ва нейрореабилитация ихтисослаштирилган илмий-амалий маркази фаолиятини ташкил этиш.	1. Самарқанд шаҳри Махдуми Аъзам кўчаси, 18-уй манзилида жойлашган бинода Нейрохирургия ва нейрореабилитация ихтисослаштирилган илмий-амалий маркази фаолиятини ташкил этиш билан боғлиқ ташкилий чора-тадбирларни амалга ошириш. 2. Марказни юқори малакали кадрлар билан таъминлаш. 3. Университетнинг Нейрохирургия, Неврология ҳамда Анестезиология ва реаниматология кафедраларининг интеграциясини таъминлаш.	2022 йил якунига қадар 2025 йил якунига қадар	Университетнинг бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлари	Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Университет

Т/р	Чора-тадбирлар	Амалга ошириш механизми	Бажариш мuddати	Молиялаштириш манбалари	Масъул ижрочилар
		4. Самарқанд вилояти ва қўшни ҳудудлар миқёсида кўрсатилаётган нейрохирургик хизмат ҳамда илмий ишлар кўламини кенгайтириб бориш.			
9.	Иммунология, аллергология ва инсон геномикаси илмий маркази фаолиятини ташкил этиш.	1. Самарқанд шаҳри Маҳдуми Аъзам кўчаси, 18-уй манзилида жойлашган бинода Иммунология, аллергология ва инсон геномикаси илмий маркази фаолиятини ташкил этиш билан боғлиқ ташкилий чора-тадбирларни амалга ошириш. 2. Марказни юқори малакали кадрлар билан таъминлаш. 3. Марказнинг Университет кафедралари ҳамда Самарқанд вилояти даволаш-профилактика муассасалари билан яқин ҳамкорлигини таъминлаш.	2022 йил якунига қадар 2025 йил якунига қадар	Университетнинг бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлари	Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Университет
10.	Соғлиқни сақлаш соҳасида илмий ва техникавий муаммоларни ҳал этишга йўналтирилган фундаментал, амалий, инновацион лойиҳаларни бажариш ва амалиётга татбиқ этиш.	1. Илмий-тадқиқот ишларини самарали ташкил этиш бўйича хорижий давлатларнинг (Россия, Корея Республикаси, Германия ва бошқалар) тажрибаларини мақсадли ўрганиш. Ўрганиш натижаларидан келиб чиқиб, илғор тажрибаларни амалиётга татбиқ этиш. 2. Университет ҳузуридаги илмий муассасаларнинг фаолиятини ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқиш ва мақсадли кўрсаткичларини белгилаб олиш. 3. Университет талабалари, докторант ва ёш олимларнинг мунтазам равишда стартап-лойиҳалар танловларида иштирокини таъминлаш.	2022 йил 1 октябрь 2023–2024 йиллар 2022 йил 1 декабрь 2022–2025 йиллар	Университетнинг бюджетдан ташқари маблағлари	Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Университет

T/p	Чора-тадбирлар	Амалга ошириш механизми	Бажариш мuddати	Молиялаштириш манбалари	Масъул ижрочилар
11.	Илмий-тадқиқот ишларининг натижаларини амалиётга татбиқ этиш.	Докторант ва мустақил изланувчиларнинг диссертация ишлари асосида олинган натижаларни амалиётга татбиқ этиш: 2022 йилда – 25 та; 2023 йилда – 35 та; 2024 йилда – 45 та; 2025 йилда – 60 та.	2022–2025 йиллар	–	Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Университет
12.	Ёшларни илмий-тадқиқот ишларига жалб қилиш, илмий-тадқиқот ва инновацион фаолиятни такомиллаштириш.	1. 2023 йил учун докторантура ва мустақил изланувчиликка 40 нафар тадқиқотчиларни қабул қилиш. 2. 8 та фан доктори (DSc) ва 18 та фалсафа доктори (PhD) диссертациялари ҳимоясини амалга ошириш.	2023 йил 1 январь 2023–2024 йиллар	–	Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Инновацион ривожланиш вазирлиги, Олий аттестация комиссияси, Университет
13.	Илмий-тадқиқот ва инновацион фаолиятнинг ахборот таъминоти тизимини жорий этиш, профессор-ўқитувчилар ва тадқиқотчиларнинг ўқув-ўқувий ва нашрий фаоллигини ошириш.	1. Халқаро илмий маълумотлар базаларида (Scopus, Web of Science ва бошқалар) индексланувчи журналлардаги мақолалар сонини: 2022 йилда 100 тага; 2023 йилда 150 тага; 2024 йилда 200 тага; 2025 йилда 250 тага етказиш. 2. Университет профессор-ўқитувчилари томонидан chop этиладиган дарслик ва ўқув қўлланмалар сонини 20 тага, монографиялар сонини 50 тага, ўқув-ўқувий қўлланмалар сонини 200 тага етказиш. 3. Университет томонидан таъсис этилган “Тиббиёт ва биология муаммолари” ҳамда “Доктор ахборотномаси” илмий-амалий журналларини Scopus халқаро илмий-техник	2022–2025 йиллар 2023 йил 1 сентябрь 2024 йил 1 сентябрь	Университетнинг бюджетдан ташқари маблағлари Университетнинг бюджетдан ташқари маблағлари	Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Университет

Т/р	Чора-тадбирлар	Амалга ошириш механизми	Бажариш мuddати	Молиялаштириш манбалари	Масъул ижрочилар
		ахборот базасида индексация қилиш.			
III. Университет ва унинг таркибдаги муассасаларнинг кадрлар салоҳиятини ошириш					
14.	Университет, Реабилитология ва спорт тиббиёти илмий-тадқиқот институти, Л.М. Исаев номидаги Микробиология, вирусология, юқумли ва паразитар касалликлар илмий-тадқиқот институти ҳамда Университет ҳузуридаги академик лицейни юқори малакали кадрлар билан таъминлаш.	Маъмурий-бошқарув, илмий-педагогик ва ўқув-ёрдамчи ходимларнинг аттестациясини ўтказиш ҳамда ходимлар таркибини замон талабларига жавоб берадиган, юқори малакали, касбий тайёргарликка эга кадрлар билан тўлдириш. Бунда, биринчи навбатда, салоҳиятли профессор-ўқитувчилар ва илмий изланувчиларни ўқув, илмий ҳамда даволаш жараёнларига кенг жалб этишга алоҳида эътибор қаратиш.	2022 йил 1 октябрь	—	Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги
15.	Университетнинг илмий салоҳиятини ошириш.	1. Таянч докторантура ва докторантурага қабул квотасини кўпайтириш бўйича тегишли вазирликларга таклифлар киритиш. 2. Иқтидорли ёшларнинг хорижий олий таълим муассасаларига мақсадли докторантурага юбориш бўйича танловларда иштирокини таъминлаш.	2022 йил 1 декабрь 2022–2025 йиллар	—	Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Университет
16.	Ўқув йили натижаларига кўра профессор-ўқитувчиларнинг рейтингини баҳолаш тизимини йўлга қўйиш.	1. Ўқув йили якуни бўйича кафедралар ўқитувчиларининг рейтингини баҳолаш мезонларини ишлаб чиқиш. 2. Рейтинг натижаларига кўра профессор-ўқитувчиларнинг сифат таркибини аниқлаш ва яхшилаш. 3. Профессор-ўқитувчилар билан мuddатли меҳнат шартномалари тузиш, уларни қўшимча моддий рағбатлантириш ҳамда устама ҳақ белгилашда рейтинг натижаларини ҳисобга олиш.	2022 йил 1 октябрь Ҳар йили 1 ноябрь 2022–2025 йиллар	—	Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Университет

Т/р	Чора-тадбирлар	Амалга ошириш механизми	Бажариш муддати	Молиялаштириш манбалари	Масъул ижрочилар
17.	Университетнинг кадрлар захирасини шакллантириш.	1. Университетда бакалавриат ва магистратурада тахсил олаётган иқтидорли талабаларни танлаб олиш. 2. Танлаб олинган иқтидорли талабаларни илмий-педагогик фаолиятга кенг йўналтириш орқали кадрлар захирасини доимий шакллантириб бориш.	2022–2025 йиллар	–	Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Университет
IV. Университет ва унинг таркибий тузилмаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш					
18.	Нейрохирургия ва нейрореабилитация ихтисослаштирилган илмий-амалий маркази ҳамда Иммунология, аллергология ва инсон геномикаси илмий марказининг бино ва иншоотларини капитал таъмирдан чиқариш ҳамда моддий-техника базасини шакллантириш.	1. Лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва экспертизадан ўтказиш. 2. Тендер савдоларини ўтказиш. 3. Реконструкция ва капитал таъмир ишларини бошлаш. 4. Замонавий лаборатор-диагностика ва даволаш жиҳозларини харид қилиш ва ўрнатиш.	2024–2025 йиллар	Ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастурлари доирасида	Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Молия вазирлиги, Самарқанд вилояти ҳокимлиги, Университет
19.	Университетнинг ихтисослашган болалар хирургик клиникасининг ҳудудида юридик шахс ташкил этмаган ҳолда амалдаги штат бирликлари доирасида Ихтисослаштирилган эндоскопик консультатив-диагностик ва даволаш бўлимини ташкил этиш, тегишли бино ва иншоотларни қуриш ва замонавий эндоскопик диагностика ва даволаш ускуналари билан жиҳозлаш.	1. Лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва экспертизадан ўтказиш. 2. Тендер савдоларини ўтказиш. 3. Қурилиш ишларини бошлаш. 4. Қурилиш ва жиҳозлаш ишларини якунлаш.	2024–2025 йиллар	Ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастурлари доирасида	Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Молия вазирлиги, Самарқанд вилояти ҳокимлиги, Университет

T/p	Чора-тадбирлар	Амалга ошириш механизми	Бажариш мuddати	Молиялаштириш манбалари	Масъул ижрочилар
20.	Университетнинг коммунал инфратузилмаси объектларини реконструкция қилиш ва таъмирлаш.	1. Самарқанд шаҳри, Анакабай кўчаси, 6-уй манзилида жойлашган Университетнинг ўқув биноси (собиқ ҳарбий кафедра биноси), унга тегишли спорт зали биноларини ҳамда уларнинг иситиш тизимларини капитал таъмирлаш, янги иситиш қозонларини ўрнатиш. 2. Университет талабалар турар жойлари биноларининг иссиқ ва совуқ сув ҳамда иситиш тизимларини капитал таъмирлаш.	2022–2024 йиллар	Университетнинг бюджетдан ташқари маблағлари	Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Самарқанд вилояти ҳокимлиги, Университет
21.	Университет Академик лицейининг моддий-техника базасини яхшилаш.	Академик лицей биносини, иситиш тизимини ҳамда ўқувчилар турар жойи биносининг иссиқ ва совуқ сув тизимини капитал таъмирлаш.	2023 йил 1 январь	Университетнинг бюджетдан ташқари маблағлари	Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Самарқанд вилояти ҳокимлиги, Университет
22.	Университет ҳузуридаги Реабилитология ва спорт тиббиёти илмий-тадқиқот институтининг моддий-техника базасини яхшилаш.	1. Илмий-тадқиқот институтининг бино ва иншоотларини капитал таъмирлаш. 2. Илмий-тадқиқот институтида замонавий лаборатория ташкил этиш. 3. Кичик ортопедик операцияларни амалга оширишга мўлжалланган операцион блокни ташкил этиш.	2022–2025 йиллар	Университетнинг бюджетдан ташқари маблағлари	Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Самарқанд вилояти ҳокимлиги, Университет
V. Халқаро ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш					
23.	Ривожланган давлатларнинг олий тиббий таълим соҳасида фаолият юритувчи нуфузли ўқув юртлари ва илмий марказлари билан ҳамкорлик алоқаларни ривожлантириш.	1. JICA ташкилоти билан Университет клиникаларини модернизация қилиш бўйича 1 та, ERASMUS+ дастури доирасида Италиянинг Милан университети ва Грециянинг Аристотель университети билан 2 та хорижий илмий грантлар ҳисобига Университет салоҳиятини ошириш ва 1 та халқаро кредит мобиллик лойиҳаларини амалга ошириш.	2022–2025 йиллар	Халқаро грантлар	Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Университет

Т/р	Чора-тадбирлар	Амалга ошириш механизми	Бажариш мuddати	Молиялаштириш манбалари	Масъул ижрочилар
		2. АҚШнинг Нью-Йорк университети билан 1 та янги илмий лойиҳа, Корея Республикасининг Ёнсе университети билан 1 та янги илмий лойиҳани амалга ошириш. 3. Россия Федерациясининг Астрахань давлат тиббиёт университети, Ижевск давлат тиббиёт академияси ҳамда Украинанинг Тернополь давлат тиббиёт университетларидан 20 нафар талабани Университетнинг ўқув жараёнига халқаро алмашинув дастурлари ва ёзги мактаб ташкил этиш орқали жалб қилиш. 4. KOICA ва JICA халқаро ташкилотлари билан ҳамкорликда даволаш ишларини ривожлантириш учун мутахассисларни таклиф этиш. 5. Хорижий олий таълим муассасаларида академик алмашинув доирасида ишлаб чиқариш амалиётини ўтаган талабалар сонини 100 тага етказиш.	2023–2025 йиллар 2022–2023 йиллар 2022–2024 йиллар 2022–2024 йиллар	Ўзаро шартномалар асосида ижрочилар маблағлари Университетнинг бюджетдан ташқари маблағлари Халқаро грантлар Университетнинг бюджетдан ташқари маблағлари	
24.	Профессор-ўқитувчиларнинг хорижда малака оширишини, ходимларни магистратура ва докторантура (PhD)га юборилишини ташкил этиш.	1. Университетнинг 40 нафар педагог ва илмий кадрларини хорижда стажировка ўташи ва малака оширишини ташкил этиш. 2. Университетнинг 15 нафар битирувчи ва ходимларининг магистратура ҳамда докторантурада ўқишини ташкил этиш.	2022/2023 ўқув йили	Университетнинг бюджетдан ташқари маблағлари	Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Университет
25.	Университетда таълим олувчи хорижий талабалар улушини ошириш.	1. Хорижий фуқароларни Университетга жалб қилиш бўйича халқаро таълим агентликлари билан “Очиқ эшиklar” тадбирини ўтказиш. 2. Корея Республикаси, Қирғизистон, Қозоғистон, Тожикистон ҳамда Туркманистон давлатларига хизмат сафарларини амалга ошириш ва ушбу давлатларда халқаро таълим	Ҳар йили август ойида 2022–2025 йиллар	Университетнинг бюджетдан ташқари маблағлари	Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Университет

Т/р	Чора-тадбирлар	Амалга ошириш механизми	Бажариш муддати	Молиялаштириш манбалари	Масъул ижрочилар
		агентликлари билан Университетга талабаларни жалб этиш бўйича музокаралар ўтказиш.			

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2022 йил 1 апрелдаги ПҚ–188-сон қарорига
2-илова

**Самарқанд давлат тиббиёт университетини ривожлантиришнинг мақсадли
кўрсаткичлари (индикаторлари)**

T/p	Кўрсаткич (индикатор) номи	Ўлчов бирлиги	Амалдаги кўрсаткич	2022 йил	2023 йил	2024 йил	2025 йил
I. Юқори малакали кадрлар тайёрлаш тизимини сифат жиҳатидан тубдан такомиллаштириш							
1.	Хорижий ҳамкор университетлар билан онлайн дарслар ташкил қилиш.	онлайн дарслар сони	25	35	50	70	100
2.	Талабалар амалиётларини ҳамкор хорижий олий таълим муассасаларида ўтказиш.	талабалар сони	25	35	45	55	70
3.	IELTS, TOEFL, CEFR ва бошқа сертификатларга эга бўлган талабалар сонини ошириш.	талабалар сони	50	65	80	95	110
4.	Мутахассислик фанлари бўйича хорижий тилларда ўқитиладиган фанлар сонини ошириш.	фоизда	10	15	20	25	30
5.	Ҳамкор ташкилотларда кафедралар филиалларини ташкил этиш.	кафедралар филиаллари сони	5	12	15	18	20
II. Илмий-тадқиқот фаолияти самарадорлиги ва натижадорлигини ошириш							
6.	Университетнинг илмий салоҳияти (илмий даражага эга бўлган профессор-ўқитувчилар улуши)ни ошириш.	фоизда (жами профессор-ўқитувчилар сонига нисбатан)	45,7	49	53	57	60
7.	Илмий фаолиятга оид дастурлар доирасида бажариладиган илмий тадқиқот ишлари самарадорлигини ошириш.	илмий дастурлар доирасида жалб қилинган маблағлар (сўмда)	200 млн	300 млн	400 млн	600 млн	800 млн

Т/р	Кўрсаткич (индикатор) номи	Ўлчов бирлиги	Амалдаги кўрсаткич	2022 йил	2023 йил	2024 йил	2025 йил
8.	Хўжалик шартномалари ҳисобига бюджетдан ташқари маблағларни жалб этиш самарадорлигини ошириш.	хўжалик шартномалари сони	3	5	7	9	12
9.	Университет ҳузуридаги илмий-тадқиқот марказларида мақсадли илмий лойиҳалар ва хорижий грантлар асосидаги тадқиқотлар.	тадқиқотлар сони	1	2	3	5	6
10.	Профессор-ўқитувчиларнинг халқаро илмий журналларда, шунингдек, Web of Science, Scopus ва бошқа халқаро илмий-техник маълумотлар базасида индексланувчи журналлардаги мақолалари.	мақолалар сони	50	60	75	90	110
11.	Монографияларни нашр этиш.	монографиялар сони	80	90	100	110	120
12.	Республика илмий журналларида мақолалар чоп этиш.	мақолалар сони	183	230	290	340	390
13.	Илмий конференцияларни ўтказиш.	конференциялар сони	5	6	7	8	9
III. Университетнинг кадрлар салоҳиятини ошириш							
14.	Турдош таълим муассасалари ўртасида соҳанинг етук мутахассислари иштирокида онлайн видео маърузалар ташкил этиш.	видео маърузалар сони	4	10	15	20	25
15.	Педагог ва раҳбар кадрларни ҳамкор хорижий олий таълим муассасаларига малака оширишга юбориш.	кадрлар сони	14	20	25	30	40
16.	IELTS, TOEFL, CEFR ва бошқа сертификатларга эга бўлган профессор-ўқитувчилар сонини ошириш.	профессор-ўқитувчилар сони	5	15	20	30	40

Т/р	Кўрсаткич (индикатор) номи	Ўлчов бирлиги	Амалдаги кўрсаткич	2022 йил	2023 йил	2024 йил	2025 йил
IV. Университетнинг моддий-техника базасини яхшилаш							
17.	Аудиторияларни замонавий мультимедиа воситалари билан жиҳозлаш.	фоизда (умумий аудитория фондига нисбатан)	40	60	75	90	100
18.	Ўқув ва бошқарув биноларини юқори тезликдаги симсиз Интернет (Wi-Fi) тармоғи билан таъминлаш.	фоизда (ўқув ва бошқарув бинолари умумий майдонига нисбатан)	60	75	85	90	100
V. Хорижий олий таълим муассасалари билан ҳамкорликни ривожлантириш							
19.	Университетда таҳсил оладиган хорижий талабалар салмоғини ошириш.	хорижий талабалар сони	650	800	1000	1200	1500
20.	Хорижий олий таълим муассасаларининг етакчи профессор-ўқитувчиларини таълим жараёнига жалб этиш.	хорижий профессор-ўқитувчилар сони	20	30	45	60	75
21.	Халқаро алмашинув дастурлари, ёзги мактаб, халқаро симпозиум ва конференцияларда иштирок этадиган профессор-ўқитувчилар ва талабалар салмоғини ошириш.	иштирок этадиган профессор-ўқитувчилар ва талабалар сони	25	40	55	70	85

**Самарқанд давлат тиббиёт университети кафедраларини
Самарқанд вилояти туман (шаҳар)ларига бириктириш
РЎЙХАТИ**

Т/р	Ҳудуд	Кафедралар
1.	Булунғур тумани (аҳоли сони – 193 минг киши, маҳаллалар сони – 55 , оилавий поликлиникалар сони – 3 , оилавий шифокор пунктлари сони – 8)	1. 1-сон Ички касалликлар кафедраси 2. Офтальмология кафедраси 3. Нурли диагностика ва терапия кафедраси 4. Дипломдан кейинги таълим факультети Болалар хирургияси, анестезиология ва реаниматология кафедраси
2.	Жомбой тумани (аҳоли сони – 180 минг киши, маҳаллалар сони – 38 , оилавий поликлиникалар сони – 3 , оилавий шифокор пунктлари сони – 9)	5. 2-сон Ички касалликлар кафедраси 6. Хирургик касалликлар кафедраси 7. Дипломдан кейинги таълим факультети Умумий амалиёт ва оилавий медицина кафедраси
3.	Иштихон тумани (аҳоли сони – 264 минг киши, маҳаллалар сони – 62 , оилавий поликлиникалар сони – 4 , оилавий шифокор пунктлари сони – 8)	8. Ички касалликлар пропедевтикаси кафедраси 9. 1-сон Болалар хирургия кафедраси 10. Умумий хирургия кафедраси 11. Дипломдан кейинги таълим факультети Неврология ва нейрохирургия кафедраси
4.	Каттақўрғон тумани (аҳоли сони – 282 минг киши, маҳаллалар сони – 69 , оилавий поликлиникалар сони – 3 , оилавий шифокор пунктлари сони – 9)	12. 4-сон Ички касалликлар кафедраси 13. 1-сон Педиатрия ва неонатология кафедраси 14. Эндокринология кафедраси 15. Дипломдан кейинги таълим факультети Стоматология кафедраси

5.	Каттақўрғон шаҳри (аҳоли сони – 92 минг киши, маҳаллалар сони – 36 , кўп тармоқли марказий поликлиника)	16. 1-сон Хирургик касалликлар кафедраси 17. 2-сон Педиатрия кафедраси 18. 3-сон Ички касалликлар кафедраси 19. Дипломдан кейинги таълим факультети Тиббий радиология кафедраси
6.	Қўшрабат тумани (аҳоли сони – 136 минг киши, маҳаллалар сони – 45 , оилавий поликлиникалар сони – 2 , оилавий шифокор пунктлари сони – 11)	20. 2-сон Хирургик касалликлар кафедраси 21. Болалар касалликлари пропедевтикаси кафедраси 22. Тиббий реабилитация, спорт тиббиёти ва халқ табobati кафедраси 23. Дипломдан кейинги таълим факультети Ички касалликлар кафедраси
7.	Нарпай тумани (аҳоли сони – 219 минг киши, маҳаллалар сони – 57 , оилавий поликлиникалар сони – 2 , оилавий шифокор пунктлари сони – 4)	24. Урология кафедраси 25. 3-сон Педиатрия ва тиббий генетика кафедраси 26. Тери-таносил касалликлар кафедраси 27. Дипломдан кейинги таълим факультети Юқумли касалликлар кафедраси
8.	Нуробод тумани (аҳоли сони – 156 минг киши, маҳаллалар сони – 39 , оилавий поликлиникалар сони – 3 , оилавий шифокор пунктлари сони – 11)	28. Онкология кафедраси 29. Травматология ва ортопедия кафедраси 30. Жамоат саломатлиги ва соғлиқни сақлаш менежменти кафедраси
9.	Оқдарё тумани (аҳоли сони – 165 минг киши, маҳаллалар сони – 35 , оилавий поликлиникалар сони – 4 , оилавий шифокор пунктлари сони – 6)	31. 1-сон Акушерлик ва гинекология кафедраси 32. Умумий гигиена ва экология кафедраси 33. Терапевтик стоматология кафедраси 34. 1-сон Оториноларингология кафедраси

10.	Пайариқ тумани (аҳоли сони – 260 минг киши, маҳаллалар сони – 65 , оилавий поликлиникалар сони – 3 , оилавий шифокор пунктлари сони – 14)	35. 3-сон Акушерлик ва гинекология кафедраси 36. Микробиология, вирусология ва иммунология кафедраси 37. Ортопедик стоматология кафедраси
11.	Пастдарғом тумани (аҳоли сони – 367 минг киши, маҳаллалар сони – 107 , оилавий поликлиникалар сони – 6 , оилавий шифокор пунктлари сони – 14)	38. 2-сон Акушерлик ва гинекология кафедраси 39. Неврология кафедраси 40. Эпидемиология кафедраси 41. Болалар стоматологияси кафедраси
12.	Пахтачи тумани (аҳоли сони – 148 минг киши, маҳаллалар сони – 59 , оилавий поликлиникалар сони – 3 , оилавий шифокор пунктлари сони – 8)	42. Педиатрия кафедраси 43. Дипломдан кейинги таълим факультети Хирургия, эндоскопия ва анестезиология-реаниматология кафедраси 44. Оғиз бўшлиғи жарроҳлиги ва дентал имплантология кафедраси
13.	Самарқанд тумани (аҳоли сони – 261 минг киши, маҳаллалар сони – 74 , оилавий поликлиникалар сони – 3 , оилавий шифокор пунктлари сони – 7)	45. Анестезиология, реанимация ва шошилиш тиббиёт кафедраси 46. Нейрохирургия кафедраси 47. Дипломдан кейинги таълим факультети Педиатрия ва умумий амалиёт кафедраси 48. Юз-жағ хирургияси кафедраси
14.	Самарқанд шаҳри (аҳоли сони – 562 минг киши, маҳаллалар сони – 215 , оилавий поликлиникалар сони – 12)	49. Фтизиатрия кафедраси 50. 2-сон Болалар хирургияси кафедраси 51. Дипломдан кейинги таълим факультети Акушерлик ва гинекология кафедраси 52. Дипломдан кейинги таълим факультети Психиатрия кафедраси 53. Нейрохирургия кафедраси 54. Юқумли касалликлар кафедраси

15.	Тойлоқ тумани (аҳоли сони – 211 минг киши, маҳаллалар сони – 50 , оилавий поликлиникалар сони – 2 , оилавий шифокор пунктлари сони – 6)	55. Гематология кафедраси 56. Ички касалликлар кафедраси 57. Дипломдан кейинги таълим факультети Оториноларингология кафедраси 58. Дипломдан кейинги таълим факультети Офтальмология кафедраси
16.	Ургут тумани (аҳоли сони – 533 минг киши, маҳаллалар сони – 117 , оилавий поликлиникалар сони – 6 , оилавий шифокор пунктлари сони – 16)	59. 2-сон Оториноларингология кафедраси 60. Юқумли касалликлар кафедраси 61. Психиатрия, тиббий психология ва наркология кафедраси 62. Травматология ва ортопедия кафедраси 63. Дипломдан кейинги таълим факультети Акушерлик ва гинекология кафедраси 64. Нейрохирургия кафедраси

Изоҳ: Соғлиқни сақлаш вазирлигига Самарқанд вилояти ҳокимлиги билан биргаликда мазкур рўйхатга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳуқуқи берилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2022 йил 1 апрелдаги ПҚ–188-сон қарорига
4-илова

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига
кiritилаётган ўзгартиришлар**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 28 июлдаги ПҚ–5199-сон қарори билан тасдиқланган 2022 йил 1 октябрдан бошлаб Давлат бюджети маблағлари ҳисобига имтиёзли тоифага кирувчи шахсларни электрон ахборот тизими орқали ҳисобга олиш ва навбат асосида даволанишга йўллаш тизимига ўтказиладиган тиббиёт муассасалари рўйхатининг 8-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“8. Самарқанд давлат тиббиёт университети клиникаси”.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 24 декабрдаги ПҚ–61-сон қарори билан тасдиқланган Молиявий мустақиллик берилаётган давлат олий таълим муассасалари рўйхатининг 21-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“21. Самарқанд давлат тиббиёт университети”.

